


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

“НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА  
ТИЛШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРБ  
МУАММОЛАРИ” МАВЗУСИДАГИ  
РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
АНЖУМАНИ  
МАТЕРИАЛЛАРИ



05 10 91

Фарғона - 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ КАФЕДРАСИ

Филология фанлари доктори,  
профессор Алижон Мамажонов  
таваллудининг 70 йиллиги  
муносабати билан ўтказилган  
“Замонавий тилшунослик ва  
адабиётшуносликнинг долзарб  
муаммолари” мавзусидаги  
Республика илмий-амалий  
конференция материаллари

2016 йил 30 май

илмий ишлар тўплами

1-КИТОБ

ФАРҒОНА – 2016


1

ЗАМОНАВИЙ РАҲБАР ВА УНИНГ ТИНГЛАШ МАДАНИЯТИ

С. Мўминов, ФарДУ профессори,  
Ш. Мўминов, ФарДУ талабаси

Форс-тожикча сўз бўлиб, йўлбошчи, йўл бошловчи, бошлиқ [7.362]  
маъноларини англатадиган раҳбарга ҳамма замонларда ҳам эҳтиёж кучли  
бўлган ва бу эҳтиёж ижтимоий муносабатлар тобора нозиклашиб бораётган  
бугунги кунда янада ортмоқда. Чунки:

35



*Йўлчиға лозим ҳамиша раҳнамо,  
Йўқса ул йитгай, адашгай дашт аро [5.82].*

Бундан ташқари: "...кечаги замонда раҳбарларга нисбатан талаб бошқача эди, бугун эса бутунлай бошқача. Бугун раҳбарлик вазифасида ўтирган ҳар қайси одам ўз масъулиятини ўн карра, юз карра кўпроқ сезиши даркор" [1.182]. Зеро, "мустақиллик ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихида тамомила янги даврни бошлаб берди. Мамлакат ҳаётида бошланган бу давр ўз мазмун-моҳияти билан давлат бошқарувида ҳам замон талабларига жавоб бера олувчи раҳбар кадрлар бўлишини тақозо этади... Шундай экан, раҳбар кадрлар тайёрлашнинг синфий, партиявий, мафкуравий тамойиллари ўрнида инсоний манфаатлар, ватанпарварлик устуворлиги каби демократик кадриятларга асосланган раҳбар кадрларни шакллантириш зарурдир" [1.4].

Бу эса замонавий раҳбар кадрлар зиммасига жуда катта масъулият юклайди ва алоҳида маҳоратни талаб этади: "...ўзига юклатилган масъулиятни ҳис этиш лаёқати, ўз вазифасига садоқати, ватанпарвар ва миллатпарварлиги, ўз бурчини ҳалол ва халқ бимлан биргаликда бажара олиши, ўз атрофига соғлом кучларни тўплай билиши, билимини тобора ўстириб бориши, янги тафаккур тарзи фикрлар хилма-хиллигини эътироф эта билиши, ўзгалар фикрини тинглаш маданияти, уларни ҳурмат қилиши, ўз манфаатини бошқалар манфаатлари билан уйғун кўриши ва ниҳоят "Элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган" фидойи бўлишдек фазилатлар бугунги кун раҳбарларида мужассам бўлиши лозим..." [1.5].

Замонавий раҳбарнинг муҳим жиҳати унинг муомала маданиятида акс этади. Зеро: "бошқариш, энг аввало, кишилар билан ишлашдир. Раҳбар нотиклик маҳоратига эга бўлиши, тушунарли, ифодали ва таъсирчан, ишонарли ва даъваткор руҳда гапиришга ўрганиши керак. Раҳбарнинг тинглаш маҳорати бугунги кунда долзарб вазифага айланган. Немис философи А. Шопенгауэр "Одамларнинг ўзингиз тўғрингизда яхши фикрга эга бўлишларини хоҳласангиз, уларни тингланг" деган эди. Чунки тинглаш қобилиятини гапирувчини илҳомлантиради, руҳлантиради. Шу тариқа янги фикрлар, ғояларнинг шаклланишига шароит туғдиради..." [4.490].

Тинглашнинг инсон фаолиятида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида мутафаккирлар ғоят ибратли фикрларни билдирганлар. Жумладан, Кайковус ўзининг "Қобуснома" асарида бу ҳақда бир ўринда: "Андишани илгари тутмоқ ҳам бир нав кароматдур. Ҳеч сўзни эшитишдан дилтанг бўлмағил. Ул сўз ишингга хоҳ ярасун, хоҳ ярамасун, уни эшитғил, то юзингга сўз эшиги беқланмасун ва фойдаси фатв (йўқотиш) бўлмасин" [3.53] деган бўлса, бошқа бир ўринда бу фикрни ривожлантириб шундай ёзади: "Эй фарзанд, токи қила олсанг, сўз эшитмақдин қочмағилким, киши сўз эшитмақ била суҳангўйлик ҳосил қилур, аввало, буни шундоқ далиллаш мумкин, агар бир ўғлон онадин туғилса, унга ернинг остидан бир жой қилиб сут бериб, ул жойда парвариш қилсалар, онаси ва дояси унга гапирмасалар, у ўғлон ҳеч кишининг сўзин эшитмаса, улуғ бўлғонда лол (соқов) бўлур. Кўрмасмусанким, барча лоллар кар бўлурлар..." [3.55].

Тинглашнинг суҳбатдошга кўрсатилган юксак ҳурмат рамзи эканлигини, у миллат ҳам, ҳудуд ҳам танламаслигини машғур америкалик социолог Дейл Карнегининг куйидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди: “Яқинда мени бир партия бриджга таклиф эди. Ростини айтсам, мен бу ўйинни билмайман. Таклиф қилинганлар ичида малла сочли аёл ҳам бор экан. Ша аёл менга хитоб қилди: “Мистер Карнеги, сиз борган ажойиб жойлар ва у ерларда нимларни кўрганингиз ҳақидаги ҳикояларингизни жуда ҳам эшитгим келаяпти”.

Иккимиз диванга ўтиргач, яқин орада эри билан Африкага борганини айтиб қолди. “Африка!” – хитоб қилдим мен. – Қандай қизиқарли. Африкага боришни шундай орзу қилардимки, аммо, Алжирда ўтказилган суткаларни ҳисобламасак, у ёққа бориш менга насиб қилмади-да. Айтингчи, сиз йирик ҳайвонлар ўлкасида бўлдингизми? Шундайми? Омадингиз юришганини қаранг! Марҳамат қилиб, Африка ҳақида ҳикоя қилиб берсангиз”.

Бу ҳикоя қирқ беш минут давом этди. У мендан қаерда бўлганим, нима кўрганимни сўрамади ҳам. Энди ўзимнинг саёҳатларим ҳақида айтиб беришимни у истамас эди ҳам. Унга керак нарса – шахсан ўзи ҳақида гаплаша оладиган ва унинг қаерларда бўлгани ҳақида айтиб беришига қизиқиб қолган ҳамсуҳбар керак эди” [6.79]. Бу ҳақдаги фикрини Д. Карнеги шундай яқунлайди: “Шундай қилиб, агар сиз одамларга ёқишни истасангиз, тўртингчи қоидага риоя қилинг: Яхши тингловчи бўлинг. Бошқаларни ўзлари ҳақида гапиришга қизиқтиринг...” [6.88].

Юқоридагилардан маълум бўлмоқдаки, тинглаш, аввало, ҳар бир одам, айниқса, раҳбар учун ғоятда қадрли бўлган фазилатлардан саналади. Шунинг учун ҳам буюк саркарда бобокалонимиз Амир Темур подшоларнинг туриш-турмуш ва ахлоқ-одоб норомаларини белгиловчи “Темур тузуклари” номли рисоласида бу ҳақда куйидаги фикрларни баён қилади: “Яна менинг тажрибамдан ўтмишким, гарчи ишнинг яқунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва хушёр кишилардан кенгашу тадбир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир. (Шу сабабли) пайғамбаримиз Муҳаммад, унга тангрининг марҳаматлари ва саломлари бўлсин, саллоллоху алайҳи васаллам айтганларидек, ҳар ишни кенгашган ҳолда қилдим. Ҳар вақт кенгашчилар йиғилиб, мажлис очилар экан, яхши-ёмондан, фойда-зиёндан, олдимиздаги ишларни қилиш-қилмасликдан сўз очиб, улардан фикр сўрар эдим. Буларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг икки томонини мулоҳаза қилиб, фойда-зиёнларини кўнгилга келтирардим” [2.15].

Ҳар ишни кенгашган – ён-атрофидаги яқинлари фикрини тинглаб, инобатга олган ҳолда амалга ошириш лозимлиги ҳақида фикр юритар экан, буюк саркарда бу ҳақда яна куйидагиларни таъкидлайди: “Тажрибамдан маълум бўлдики, кенгаш икки турли бўлур. Бири – тил учида айтилгани, иккинчиси – юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим” [2.16].

Соҳибқирон бобокалонимизнинг фикрлардан маълум бўлмоқдаки, тинглашнинг ҳам турлари бордир. Яъни, тинглашга нораво гапларни

эшитмаслик ёки шунчаки тингланса, қимматли фикрлар жисму жон билан, қалб қулоғига қуйиб тингланиши лозим.

Тинглашга нораво гап-сўзлар аввалида ширк, гийбат, иғво, фитна раҳбарларга қилинадиган сохта хушомадлар туради. Шунинг учун ҳам кўпни кўрган, оқ-қорани, яхши-ёмонни фарқлайдиган раҳбарларнинг вазифаси бундай гапларни тингламасликдир:

Шоҳки оғохдир, хабардор ҳар нафас,  
Шумният гийбатчиларни тингламас [5.162].

Шунинг учун ҳам Юртбошимиз асарларида замонавий раҳбар маънавияти билан боғлиқ бу масалага қайта-қайта эътибор қаратилади: "...Раҳбар ўзига хос ғурурга эга бўлган вилоят аҳлининг кўнглини топмаса, амалий ишлари, шахсий ибрати, қатъият ва бағрикенглиги билан одамларнинг қалбига кириб бормаса, билиб қўйинглар, иш кетиши қийин.

Айниқса, раҳбар инсон ҳаётига путур етказадиган майда гапларга, фиску фасодга, маишатбозликка берилмаслиги керак... у оёғи заминдан узулиб, атрофидаги лаббайчи – хушомадгўйларнинг сохта мақтовларига ўрганиб қолиб, хотиржамлик, беғамликка берилса, шу куни ўз лавозимига фотиҳа ўқиган бўлади..." [1.143-144].

Хуллас, ижтимоий муносабатлар тобора таранглашиб, кескинлашиб бораётган бугунги кунда замонавий раҳбарлардан ҳар томонлама етук бўлишни, айниқса, одамлар билан ҳамжиҳатликда, уларнинг қалбига кириб борган ҳолда иш олиб боришликни замоннинг ўзи ҳам, Президентимиз ҳам кескин талаб қилмоқда: "Шунинг учун биз турли тоифа ва даражадаги раҳбар-кадрлар танлаётганда уларнинг қобилияти, билим даражаси, тажриба ва кўникмаси билан бирга, маънавий қиёфасига ҳам жиддий эътибор бермоғимиз лозим.

Одамлар дардига қулоқ солмайдиган, ўзининг манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, трумушимиз фаровон бўлишига тўғоноқ бўлаётган, халқ мулкани талон-тарож қилаётган таъмагир мансабдорлар энди этагини йиғиштириб олсин" [1.71-72].

#### Адабиётлар

1. Президент Ислон Каримов: раҳбар кадрлар тўғрисида. – Т.: ТАҒАККУР, 2014.
2. Темур тузуклари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
3. Кайковус. Қобуснома. – Т.: О‘СБНEDXB, 2005.
4. Маънавит: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010.
5. Жалолиддин Румий. Ҳикматлар. – Т.: Шарқ, 2008.
6. Дейл Карнеги. Қандай қилиб дўст орттириш ва одамларга таъсир кўрсатиш мумкин. – Т.: Шарқ, 2010.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Учинчи жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

